# СИНОВЛАР ВА ОРЗУ-УМИДЛАР ДАВРИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Ленин ҳеч қачон тарих олдидаги масъулиятдан бўйин товлаган эмас. Бу эса унинг ўз иши ҳақлилигига ишончи комил бўлган забардаст инсон эканини кўрсатиши шубҳасиз. Ленин ўз халқига беғараз ва фидокорона хизмат қилишдек юксак, олижаноб мақсадни кўзлар эди. У ўзининг бутун ҳаётини шу мақсадга бўйсундирди. XX асрнинг бошларида, Лениннинг фикрича, социалистик инқилоб йўли билангина Россияда бунга эришиш мумкин эди.

Халқ олдида масъул бўлиш — Ленин учун ҳатто муюлиш ортида сени катта нохушлик, эҳтимолки мағлубият кутиб турган бўлса ҳам, шу муюлишга етмай тарих локомотивининг остонасидан сакраб тушиб қолишни эмас, балки турмуш ўртага қўйган вазифаларни ҳал қилишга киришишни билдирар эди. Ленин ҳеч қачон оғир, тақдирланмайдиган ишдан ҳазар қилмаган, бу ишнинг оғирлигини бошқалар зиммасига юклашга уринмаган.

Октябрь инқилоби Лениннинг ҳаётий тақдиридаги энг муҳим воқеа бўлди, албатта. 1917 йил Россия тарихининг энг таҳликали даврларидан бири эди. Бепоён мамлакатнинг келажаги ҳал қилинар эди. Монархия ағдариб ташланган. Бироқ, жуда нимжон бўлган янги либерал ҳокимият энг муҳим муаммоларни: урушдан чиқиш, деҳқонларга ер бериш, жамиятда фуқароларнинг тотувлигини ўрнатиш ва шу тариқа миллат фалокатининг олдини олиш муаммоларини ҳал қилишга қодир эмас эди. Турли сиёсий кучлар, уларнинг раҳнамолари Ватанни қутқариб қолиш йўлларини турлича фараз қилдилар ва тушундилар. Бироқ уларнинг аксарияти мушкул аҳволдан қутулиш дастурини таклиф қилишга ҳам, айниқса амалга оширишга ҳам тайёр эмас эди. Сабр косаси тўлган халқ ғазабидан чўчиш, табақачилик хурофотлари, сиёсий шуҳратпарастлик — мана шуларнинг ҳаммаси уларни бошбошдоқлик гирдобига тушган каттакон мамлакат зиддиятлари қаттиқ тугунини ечишга қодир қилмай қўйган эди.

Айни Ленин ва Большевиклар партияси бутун масъулият юкини ўз зиммасига олиб, мамлакатни кулфатдан қутқариб қолган куч бўлиб чиқдилар. Оғир йўлга онгли равишда ўтиш учун жуда юксак даражадаги чинакам фидокор бўлиш керак эди.

Мураккаб тугунларни таваккал қилиб ечишга жазм қилган Лениннинг бу азму қарори унинг, ҳозир айрим кимсалар бизни ишонтирмоқчи бўлаётганидек, сиёсий мулоҳазасизлиги далили эмас, балки шу иш зарурлигига асосли равишда ишончи комиллигининг ифодаси эди.

Назаримда, В. И. Ленинни бадном қилмоқчи бўлган ҳозирги зотларга Ильичга хос бўлган хислатлари: қийинчиликларга бўш келмаслик, балки ҳар қандай қийинчиликларни бартараф этиш оғирлигини ўз зиммасига олиш хусусиятлари етишмаяпти. Шу сабабли В. И. Ленинни айблаш йўлидаги уринишлар ортида «танқидчилар»нинг ўз мамлакатида ҳеч нарсага жавоб бермай, бир чеккада туриш муддаоси яққол кўриниб турибди.

Ленин атоқли сиёсатчи ва ижтимоий ислоҳотчи эди. У тузган оммавий сиёсий партия шиддатли синфий кураш давомида ҳокимиятни қўлга ола билди. Янги инқилобий ҳокимият фуқаролар урушида ғалаба қозонди, тарихда мислсиз хорижий босқинчилик зарбаларига дош берди. Янги иқтисодий сиёсат туфайли Ленин мамлакатни тинч қурилиш изига солиб юборишга муваффақ бўлди. Биринчи Совет ҳукуматининг бошлиғи кўп миллатли давлатчиликнинг ўз замонаси учун самарали нусхасини таклиф этди ва қаттиқ туриб ҳимоя қилди. Турли ижтимоий-сиёсий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаши ташаббуси, халқларнинг ҳамкорлигини мустаҳкамлаш йўлидаги дадил қадамлар Лениннинг иши эди. Лениннинг фаолияти кўп қирралидир. XX аср сиёсатчилари орасида унинг тиниб-тинчимас қиёфаси ҳамон фикрининг теранлиги ва собитқадамлилиги билан кишини ҳайратга солади.

Ленин ҳам олим, ҳам инқилобчи, шунингдек жуда мураккаб вазиятларда мақсадга эришишнинг тўғри йўлларини топа билган нозик сиёсатчи бўлганини тушуниб олиш учун фуқаролар уруши тугагач сиёсий йўлни кескин ўзгартириш зарурлигига ўз сафдошларини ишонтириш учун қанчадан-қанча куч-ғайрат сарфлаганини эсга олиш кифоя.

Давлат жиловини қўлга олгач, Ленин ўзининг зўр ташкилотчи ва ислоҳотчи эканини намоён этди, жуда мураккаб вазифаларни қойилмақом қилиб ҳал этди. Кенг оммалашган ақидалар ҳам, янги иқтисодий сиёсатга сўл радикал ихтилофчиларнинг қаршилиги ҳам Лениннинг ўз йўлини қаттиқ туриб ҳимоя қилишига ҳалақит бера олмади, чунки бу йўлда ҳақиқий аҳволни сергак баҳолаш билан амалиётчилик бирга қўшилган ва халқнинг энг зарур манфаатлари энг кўп даражада эътиборга олинган эди. Ленин абадул абад белгилаб қўйилган қонун-қоидаларга эмас, балки соғлом сиёсий фикр ва сергак ҳисоб-китоб асосида хўжалик юритишнинг янги шаклларига зудлик билан ўтиш зарур, деб ҳисоблади. Ўша давр учун бу — бениҳоя дадил қадам эди. Бироқ, ижтимоий адолат жамиятини қуришдек олий мақсадлар аввалгидек ўзгармай қолаверди. Фақат шу мақсадларга эришиш воситаларигина бутунлай қайтадан кўриб чиқилди. Бундан буён хусусий манфаат билан ижтимоий манфаатни амалий равишда бирга қўшиш, кооперация, хўжалик юритишнинг аралаш шакллари пролетар давлати сиёсатининг ўзаги бўлиб қолди.

Ўзининг ислоҳотчилик ғояларини Ленин «эски» китобчалардан олгани йўқ ва уларни ўз қарашларининг қандайдир тизими бўлмиш ленинизм билан мослаштиргани ҳам йўқ. Аксинча, у воқеликни бирон-бир доктрина талабларига бўйсундириш, мавҳум принциплардан амалий қарорларга келиш, ҳар қандай мўътабар зотларга кўр-кўрона таъзим қилиш йўлидаги ҳар қандай уринишлар устидан мазах қилиб кулди. «Ҳарбий коммунизм» даврида мулкни бутунлай давлат ихтиёрига олиш ўринли бўлган эди, бироқ фуқаролар уруши тугагач, иқтисодиётни ташкил этишнинг ноиложликдан фойдаланилган шу воситаси ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришга тўсқинлик қила бошлаган, пролетар давлатининг ҳақиқий ижтимоий-иқтисодий негизини аслида инкор этиб, бу давлатнинг ўзини хавф остида қолдирган эди.

Бошқарувнинг эски усуллари, тақсимотдаги текисчилик, меҳнатга қизиқтирадиган ва унинг натижаларидан шахсий манфаатдорликни оширадиган омилларнинг йўқлиги, замонавий ишлаб чиқаришни ташкил этишга ўқувсизлик шароитида зарур меҳнат унумдорлигига эришиб бўлмаслиги тўла-тўкис намоён бўлди. Иқтисодий сиёсатдаги бурилишни партиядаги фикр ва кайфиятларни, ишчилар билан энг камбағал деҳқонларнинг оммавий руҳиятини қовуштириш учун жуда кўп ва зўр куч-ғайрат керак бўлди.

Партиянинг XI съездида Ленин сиёсатнинг туб масалалари хусусидаги ўз нуқтаи назарини тушунтирхб, шундай деб таъкидлаган эди: «Ўқиб ўрганиш керак, пролетар давлатидаги давлат капитализми пролетариат томонидан белгилаб қўйилган доиралар ва шароитда, пролетариатга манфаатли бўлган шароитдан чиқа олмаслигига ва чиқишга журъат қилмаслигига интилмоқ керак».

Аслида гап аралаш иқтисодиёт ҳақида, икки иқтисодий тарзнинг бирга яшаши, иқтисодиётдаги давлат ва хусусий секторларнинг мусобақалашуви ҳақида борар эди. Капиталистик корхоналарга, концессияларга, ижарага, ажнабий капитални жалб этувчи компанияларга йўл қўйишнинг моҳияти мамлакатдаги иқтисодий турмушни соғломлаштиришдан, бошқарув усулларини ўрганиб олишдан, меҳнаткашларнинг эҳтиёжларини қондиришдан иборат эди.

Замонага асло мослаштирмай айтиш мумкинки, Ленин ҳар қандай назарий ақидаларни бир четга йиғиштириб қўйиб, тангликдан қутулиш дастурини партияга таклиф қилган эди. Ҳаёт шуни талаб қилган эди. Молиявий тангликнинг олдини олиш, ички ва ташқи бозор «имтиҳони»дан ўтиш, нормал иқтисодий алоқаларни тиклаш лозим эди. Бу вазифалар шак-шубҳасиз устивор эди. Пролетар давлатининг омон қолиши, мамлакатнинг яхлитлигини сақлаш, халқнинг эҳтиёжларини, унинг келажагини қондириш айни шу вазифаларни ҳал қилишга боғлиқ эди.

Мамлакатимиз турмушида жуда катта ўзгаришлар содир бўлди. Лениннинг тажрибасини юзаки тарзда қабул қилиб бўлмайди. Орадан етмиш йил ўтгач, бу тажрибанинг ўзига соддадиллик билан ҳамду сано ўқишнинг ўзи ҳам ярамайди. Биз бу тажрибанинг кенг кўламли ва диалектик зиддиятли эканини кўриб турибмиз.

Чунончи, Ленин аниқ воқеликни нақадар назарда тутиб иш кўришига қарамай, хом хаёллардан бутунлай қутила олмади. Бир мунча вақт у «жаҳон инқилоби» муқаррарлигига ишонди, жамиятни ғайрат-шижоат асосида жадал коммунистик қайта қуриш ғоясига берилиб кетди.

Назариётчи сифатида Ленин «танқидий фикрловчи шахслар»нинг ҳар нарсага қодирлиги ғоясига ашаддий қарши эди. Бироқ у ўзининг бутун ҳаёти билан шахснинг зўр тарихий роли борлигини кўрсатувчи намуна бўлди.

Ленин меҳнаткашларни озод қилиш ишига астойдил хизмат қилди, бироқ, шу билан бирга буюк мақсад кўпгина шафқатсиз воситаларни оқлаб юборади, деб ҳисоблади.

У мустабид ҳокимият диктатураси системасига пролетариатнинг қаттиққўл диктатурасини қарама-қарши қўйиш зарурлигини реалистик тарзда баҳолади. Аммо айни вақтда у мустабид ҳокимият системасига қарши курашдаги муқобил жавоблар мантиқи ўз-ўзидан, гарчи буржуазияга қарши бўлса ҳам, янги зўравонликка олиб боришини олдиндан кўра билмади.

У давлатнинг барҳам топишига ишонди ва айни вақтда янги давлатчиликни барпо этди.

Ленин миллий хусусиятларни бўрттириб кўрсатишга мутлақо қарши бўлди, бироқ, айни вақтда у кўп миллатли мамлакатимиз барча халқларининг ўзига хослигини ва мустақиллигини онгли равишда ҳимоя қилди.

Инқилобдан аввал Ленин ислоҳотчиликни меҳнаткашларни алдаш ва золимлар билан келишувчилик деб рад қилди. Аммо инқилобдан кейин айни ислоҳотлар унинг турмушидаги асосий иш бўлиб қолди.

Лениннинг тарихий роли ҳозирги замон юксаклигидан қандай баҳоланмасин, унинг чинакам халқ раҳнамоси бўлганига шубҳа қилиб бўлмайди. Дарҳақиқат, Ленин меҳнаткаш халқ манфаатларини кўзлаб иш қилди ва халқ ҳам унга ишонди. Унинг сиёсий арбоб сифатидаги асосий куч-қувват манбаи ҳам айни мана шундадир. Унинг ҳокимияти кучнинг обрўйига эмас, балки обрўнинг кучига асосланар эди.

Ҳам инқилобчи, ҳам давлат арбоби сифатида Ленин индустриализм даврида халқ оммасининг янги ролини чуқур англаб олди. Ўша даврда оммавий жамоат ҳаракатлари ижтимоий турмушни белгиловчи омиллардан бири бўлиб қолган эди. Ижтимоий-сиёсий воқеликнинг мана шу янги сифатини сиёсатчилар орасида жуда оз кишиларгина тўла-тўкис идрок этишди. Бу мисол Ленин учун мавҳум назариябозлик йўлидаги баҳона эмас, балки амалий фаолиятнинг энг муҳим жиҳати бўлди. Ленин сиёсатининг кишини қойил қолдирувчи самарадорлиги сири ҳам мана шундан иборат.

Ленин омманинг стихиялилиги олдида таъзим қилмади. Аксинча, у уюшқоқлик ва онглиликнинг жонкуяр тарафдори эди. Бироқ, Ленин омманинг кайфиятига қулоқ солишни, партия сиёсатини шунга мувофиқлаштиришни партия фаолиятининг зарур шарти, деб ҳисоблади. XX аср охирларида кўп нарса бошқача кўринади, албатта. Омма ҳам, сиёсат ҳам ўзгарди. Уларнинг феъл-атвори ва ўзаро алоқа маданияти бошқача бўлиб қолди. Бироқ Лениннинг омма ҳаракатларига асосланиб амалий сиёсат юритишдек ажойиб қобилияти ҳамон тақлид қилса арзийдиган намуна бўлиб турибди. Шу билан бирга меъёрни нозик ҳис этиш туйғуси туфайли Ленин сиёсатда арзон обрў орттириш ва корчалонлик каби ҳаддан ошишларга йўл қўймади.

Ленин меросининг тақдири умуман ҳайратланарлидир. Демократиянинг янги пайдо бўлган «ҳимоячилари» бу меросни рад этмоқдалар, қораламоқдалар, намойишкорона ёмонлашмоқдалар, аммо унинг бойлиги ва кучи нимада эканлигини пайқаб яширинча ўғирламоқдалар. Лениннинг коммунистик идеалларини улар сира кечира олмаяптилар ва шу заҳоти ундан большевикча усулларни ўғирлаб, энг муҳимини — ўз халқига чексиз садоқатни тўла-тўкис рад этмоқдалар. Ижтимоий ҳаётдаги кўп нарсалар — ўткинчи ва шартлидир, лекин ватанпарварлик, халққа садоқат абадий қадриятлар бўлиб қолаверади.

Ленин мероси каби улкан маданий воқеликка баҳо беришда қироатхонлик ва ишончсизлик яхши маслаҳатчи эмас. Ленин айрим демократларнинг ҳозир ҳам ғашига тегмоқда. Улар Ленин хотирасини таҳқирламоқдалар, лекин шу билан бир вақтда унинг ўтган тарихий даврдаги усулларидан ўйламай-нетмай нусха олмоқдалар. Ленинни хом хаёлга берилишда айблаб, ўзлари жамиятга амалга ошириб бўлмайдиган лойиҳаларни тиқиштирмоқдалар. «Ленинча тоталитаризм»дан ижирғаниб ўзларини четга олмоқдалар, ҳақиқатда эса янги диктатура программаси жойлаштириб қўйган роботлар каби фикр юритмоқдалар ва ҳаракат қилмоқдалар.

Ленинни асосан одамларнинг икки тоифаси рад этмоқда. Улардан бири Ленин асарларини сира ўқиган эмас, эшитган гапларига қараб мулоҳаза юритадилар — улардан кўп нарсани талаб қилиб бўлмайди. Бошқалари эса, аксинча, ленинизм «қояларини кемириб юборишган»: ҳаётларининг ярми Ленин дунёқарашларини ақидага айлантириш билан ўтган. Ҳаётларининг қолган ярмини эса уни рад этишга бағишлашга аҳд қилишган. Бунда уларнинг текинхўрлик моҳияти ўзгарган эмас, овқатланиш усулигина ўзгарган холос.

Ҳозирги вақтда энг муҳими, ўз таржимаи ҳолимиздан, биз биргаликда яшашимиз лозим бўлган жамият тарихидан ўч олишда эмас. Агар тарихий тажриба нималаргадир ўргатиши лозим бўлса, у ҳолда аввало сиёсатда одамларни бир йўла тинчлик ва фаровонлик билан таъминлай оладиган восита йўқлигига ўргатади. Сиёсат — эҳтимоллик санъатидир. Бинобарин, ҳар бир янги авлод ўз сиёсий йўлини мустақил танлаб олади.

Буни тушуниш ва англаш учун даҳо бўлиш шарт эмас. Мамлакат, Ватан тақдири бир дақиқалик эҳтирослардан ва хадсиз нафсониятдан устун деб ҳисобловчи ҳар бир киши бу ҳақиқатни англаб етади. Тангликдан чиқиш воситаларини ва аҳволимизни яхшилаш йўлларини биргалашиб излаш керак, бунда шуни назарда тутиш керакки, агар бир-бирини айблаш ўрнига жамиятимиз ва ҳар бир инсон учун муносиб ҳаётий шароитни барпо этишда амалий мусобақалашишга ўтилмаса, аҳвол ҳеч қачон ўзгармайди.

Фақат ишончсизликкагина эмас, Лениндан ақидапарастлик билан кўр-кўрона нусха кўчиришга уринишлар ҳам ақлга сиғмайди. Уларнинг ўринсизлиги яна шунинг учун ҳам равшанки, биз бошқа даврда яшаяпмиз. Ҳозирги жамиятнинг рамзи омоч ва шамчироқ эмас. Индустрия дунёси ахборот асрига қараб бормоқда. Ҳаётнинг асослари ҳам сифат жиҳатидан ўзгача бўлиб қолди. Ҳақиқатан ҳам ақидапарастликка киноя билан қарамаслик мумкин эмас. Лениннинг мероси ишончсизлик ва ақидапарастликдан кўра жиддийроқ муносабатга арзийди.

В. И. Ленин ажойиб диалектик эди. Ленин шахсининг ана шу фазилатини эслатиш ҳозир айниқса муҳим. Мамлакатимизда воқеалар шу қадар жадал ривожланмоқдаки, ўз вақтида йўналишини аниқлаб олишга, тўғри қарор қабул қилишга, у ёки бу сиёсий тадбирларни тўғри баҳолашга ҳамма ҳам ва ҳамиша ҳам улгура олмаяпти. Бу умуман ижтимоий тараққиётнинг бурилиш босқичларига хосдир.

В. И. Ленин ҳақиқатни сезишда, юз берган вазиятни тезда баҳолаб, вужудга келган муаммоларни шунга мувофиқ равишда ҳал этиш йўлларини топишда унинг диалектик — сиёсатчи сифатидаги мислсиз кучи намоён бўлди. Қуруқ ақидалар эмас, балки бутун мураккаблиги ва зиддиятлари билан бирга ҳаётнинг ўзи унинг сиёсий ҳаракатларини белгилаб берди.

Назарий жиҳатдан ҳисоблаб чиқилган идеал нарсаларни инқилоб тажрибасида ҳақиқатан юз бериши мумкин бўлган нарсаларга нисбатини мунтазам қиёслаш учун В. И. Ленин қанча ақл-идрок ишлатиб, асабларини сарфлаганлигини биз фақат тахмин қила оламиз. Лекин биз тўла ишонч билан айтишимиз мумкинки, айни шу иш туфайли 1917 йилнинг октябрида ҳокимиятни қўлга олиш учун энг қулай пайт бой берилмади, 1917 йил октябри эса рақибларимиз бу хусусда қанчалик нафратланиб гапирмасинлар, ўз навбатида бизнинг тарихимизда ва бутун инсоният тарихида янги саҳифани очди. Айни шу иш туфайли 1918 йил март ойида фақат Совет ҳокимиятигина эмас, балки миллий давлат қутқариб қолинди, ўшанда талончиликдан иборат Брест сулҳи буюк давлатни сақлаб қолиш йўлида ҳудудимизнинг бир қисмини қурбон қилишга бизни мажбур этган эди. Айни шу иш туфайли 1921 йил баҳорида партия ва Совет давлати сиёсатида кескин бурилиш бўлди, янги иқтисодий сиёсат қабул қилинди, бу сиёсат социалистик тартибларни жорий этиш учун шарт-шароит унча етилмаган деҳқонлар мамлакатида социалистик йўлдан аста-секин, лекин ишонч билан ҳаракат қилиш учун имконият яратди.

Ленин кўпинча вазиятни англаб етишда партиядаги сафдошларидан ўзиб кетар ва ёлғиз қолар эди. Унинг тақдири фожиаси мана шунда эди, унинг шахси буюклиги ҳам мана шунда эди.

Жамиятимизда иқтисодиётда, давлат ва унинг фуқароларининг мулкчиликка муносабатида, мафкурада чуқур туб ўзгаришлар бўляпти, маънавий ва маданий қадриятлар қайтадан баҳоланмоқда. Аслини олганда, миллий масала қайтадан ҳал қилинмоқда. Давлатнинг, бутун давлат воситаларининг роли ва аҳамияти қайта идрок этилмоқда.

Жамият турмушининг барча соҳаларини демократиялашдан иборат муқаррар жараён давом этмоқда. Мамлакат жаҳон ҳамжамияти билан ҳар томонлама ва хилма-хил ҳамкорлик қилишга тўсқинлик қилиб келган мафкуравий чигалликлардан ҳоли бўлмоқда. Булар шундай воқеликки, уларни ҳатто бир неча йил муқаддам ҳам олдиндан кўра билиш мумкин эмасди. Ўз-ўзидан равшанки, ана шу туб ўзгаришлар шароитида биз Лениннинг ғоявий меросига бошқача ёндашмоғимиз лозим. Бу мерос энди муқаддас ақида бўлмайди, шубҳасиз тағин ҳам жозибали бўлиб қолади.

Ленин буюк мутафаккир ва XX асрнинг мислсиз сиёсатчиси эканлиги шубҳасиздир, буни унинг дўстлари ҳам, рақиблари ҳам тан олмоқдалар.

Жамият тараққиётининг умумжаҳон қонуниятини, турли ижтимоий-фалсафий таълимотларни энди биз ленинча тажриба нуқтаи назаридангина эмас, балки тағин ҳам кўпроқ мезонлар нуқтаи назаридан қараб чиқмоқдамиз. Эндиликда биз жаҳонда юз бераётган воқеаларга XX асрнинг бошларида шу қадар ҳақли деб ҳисобланган зўрлик билан ўтказилган инқилоб нуқтаи назаридан эмас, балки ҳозирги замон воқелигини ҳисобга олиб баҳо бермоқдамиз. Шу тариқа биз ўтмишнинг барча буюк мутафаккирларини, шу жумладан, Ленинни ўзимиз учун яна кашф этмоқдамиз. Лекин шу маънода ҳам Ленин мероси теранлиги ва фикрларнинг бойлиги билан ҳайратга солаверади.

Пировардида В. А. Ивашко бундай деди:

Жамиятимиз ҳозир бурилиш босқичида турибди. Унинг омон қолиши масаласи ҳал этилаяпти. Ленин даврида ҳам шундай бўлганмиди? Йўқ, бундай эмас. У вақтда анча мураккаброқ бўлган эди. Шунга қарамай, фалокат юз бермади. Халқ қаддини тиклаб олди, давлат мустаҳкамланди, миллатлар ягона Иттифоққа жипслашди. Бунда ҳам Лениннинг қудратли ақл-заковати ва букилмас сиёсий иродаси жуда муҳим роль ўйнади.

Ленин тафаккури ва ҳаракатининг методологияси жамиятни янгилаш ва тараққиёт сари интилаётган барча кучлар учун битмас-туганмас куч манбаидир.

Лениннинг номи асрлар оша яшайверади!

* * *

Мамлакатимиз учун ҳозирги қийин шароитда биз ғаразли сиёсий ўйинда ҳуқуқсизликка, ҳатто пеш қилиш мумкин бўлган куч ролига тоқат қила олмаймиз, деди 3-«Мосстроймеханизация» трестининг бульдозерчиси К. А. Николаев. У тўпланганларнинг эътиборини яқинда тузилган Москва ишчилар клуби фаолиятининг дастлабки тажрибасига жалб этди. Клубнинг асосий мақсади ишчилар синфи ва меҳнаткаш зиёлиларнинг манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат. Биз ишлаб чиқаришдаги демократия — митинглар ва қарорлар эмаслигини, балки ходимнинг манфаатдорлик билан меҳнат қилиши, бутун кучини ижодий сарфлаши учун, иқтисодий ва ижтимоий мустақиллик учун шароит яратиш деб тушунамиз, деди нотиқ. Биз бошлаган ишда Лениннинг, партия ва ишчилар синфини тузган ҳамда воқеликни тушуниб етишнинг марксча усули билан қуроллантирган, ҳуқуқлар учун курашни ўргатган инсоннинг тажрибаси бебаҳодир. Мамлакатимизда Ленин номига қарши шармандали урушни лоқайдлик билан кузатиш мумкин эмас, деди ишчи. У «Буюк ватандошимизни санамга айлантириш»га қарши чиқди ва айни пайтда унинг ҳайкалларини шоҳсупадан олиб ташлаётган кишилар фақат унинг хотирасини эмас, балки тарихимизни таҳқирламоқдалар, деб ишонади.

Кўпчилигимиз Ленин асарларини яхши билмаймиз, унинг асарларини рус тилида кам ўқиганмиз ва кам ўқияпмиз, деди В. И. Ленин Марказий музейининг директори В. Е. Мельниченко. Абжир сиёсатбозлар пластинканинг орқа томонини ағдариб қўйдилар ва илоҳийсифат Ильич тўғрисидаги афсоналар ўрнига эндиликда одамларнинг онгини Ленинни шов-шувга сабаб бўладиган сохта айблашлар билан заҳарламоқдалар Ишончим комилки, деди нотиқ, халқ Ленинни душман образига номзод сифатида қабул қилмайди. Ҳозирги вақтда, деди у, ҳақиқий Ленинни ўқиш, тушуниш ва идрок этиш, доҳийни ваҳшийларча, беҳуда айблаш — бизнинг лоқайдлигимиз ва воқеаларни аниқлаб олишни истамаслигимиз учун ҳаддан ташқари қимматга тушаётган нарса эканлигини ёдда тутиш айниқса, муҳимдир.

Москва алоқа илмгоҳи сиёсий иқтисод муаллимаси М. Л. Ларионова ижтимоий ахлоқнинг таназзули муаммосига тўхталиб ўтди. Коммунизмга қарши васвасани, Ильич номини ёмонотлиқ қилиб кўрсатишга уринишларни у ана шу жараённинг ачинарли кўринишларидан бири, деб ҳисоблайди. Ҳозир биз маънавиятимиз ва ахлоқимизни чинакамига янгилашга ҳар қачонгидан ҳам муҳтожмиз. Нотиқ мамлакат раҳбариятига ва КПССга, барча даражадаги халқ депутатларига, сиёсатчилар ва маданият арбобларига мурожаат қилиб, ҳаётимизга маънавий тус бериш, буюк мамлакатнинг фуқароси ва маърифатли инсонга муносиб бўлган ҳаётга айлантириш учун дарҳол энг таъсирчан ва жадал чоралар кўришга чақирди. Хотин-қизлар бу вазифани ҳал этишга ўз ҳиссаларини қўшишлари мумкин ва лозим, деди у.

Энг охирида меҳнат фахрийси, фахрийлар Москва шаҳар Кенгашининг аъзоси А. И. Жаринов сўз олди. Аввало, мамлакатимизда капитализмни тиклашга уринаётган одамлар Лениннинг номига доғ туширишга ҳаракат қилмоқдалар, деб ҳисоблайди у. Нотиқ бундай режалар барбод бўлишга маҳкумлигига шубҳа қилмайди, халқ 1917 йилда танлаб олган йўлидан қайтмайди. Нотиқ хусусан бундай деди: капитализмнинг ўз йўли бор, социализмнинг ўзгача йўли бор, биз йўлимизни ўзгартирмоқчи эмасмиз. У мамлакатнинг тангликдан чиқишга умидларни фақат Ленинчи Коммунистик партия билан боғламоқда.

Тантанали мажлис ёпиқ деб эълон қилинади. Совет Иттифоқи Давлат мадҳияси янграйди.

Сўнгра катта байрам концерти намойиш қилинди.

(ТАСС).

# ҲАМКОРЛИК ҚИРРАЛАРИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

ССР ва Ўзбекистон ССР Давлат делегациялари Ораз Солир бахшининг юрти Серахс — Сарагет районига келдилар. Сарагетликлар туркман эли миллий музика маданиятида ажойиб саҳифа очган ўз бахшиси номини ва асарларини беҳад ардоқлаб келяпти. Бунинг исботи тариқасида шу куни бахши қабри устига ўрнатилган ёдгорликни очиш маросимидан сўнг Серахс шаҳри ёнбағридаги Оломонтепа саҳнида қип-қизил лолазордан гиламлар тўшалган катта сайҳонликда Ораз Солир таваллудига бағишлаб халқ сайли ташкил этилди. Ҳар ер-ҳар ерда тикилган ўтов ва саҳналарда машшоқ ва қўшиқчилар, бахшилар, ҳунармандлар ўз санъатларини намойиш қилдилар. Одамлар шу куни улуғ бахшининг набираси ва шогирдлари Ораз Мурод, Гичгелди Омонов, Кичи Гелдимуродов, Нуржамол Одиеваларнинг айтишувларини мириқиб тингладилар.

— Хўжалигимиз Эрон ва Афғонистон мамлакатлари чегараси туташган ерда жойлашган, — дейди «Коммунист» колхозининг раиси Ахмон Мухиев. — Бу ерда айтилган қўшиқ уч давлат аҳолисига баравар эшитилади, деса ҳам бўлади. Ораз Солирнинг қўшиқ ва достонлари Эрон ва Афғонистонда ҳам бирдек севиб тингланаётганининг боиси ҳам шунда.

Халқ бахши таваллуди тантаналарига келган ҳар иккала республика Давлат делегациясини қувонч билан кутиб олди. И. А. Каримов ва С. А. Ниёзов тантана қатнашчиларини айём билан табрикладилар. И. А. Каримов Ўзбекистон делегацияси номидан қардош эл вакилларига Алишер Навоий сиймоси акс эттирилган чинни лаган ва бошқа совға-саломларни топширди. Туркманистонликлар ҳам қадимги удумга амал қилиб дўст ва қардош республика раҳбарига миллий тўн, қордек оппоқ папах кийдирдилар, бахши Ораз Солир таваллуди тантаналаридан эсдалик сифатида туркман дуторини тақдим этдилар.

Шу куни икки республика раҳбарлари Бадхиз давлат қўриқхонасини бориб кўрдилар. Бу йил қўриқхона ташкил этилганлигининг 50 йиллиги нишонланади. У 1941 йилнинг декабрь ойида, Улуғ Ватан уруши жанггоҳларида жангу-жадал айни қизиган кунларда ташкил топган эди. Совет ҳукумати ана шундай оғир дамларда ҳам республиканинг камёб ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини сақлаб қолиш ва кўпайтириш тўғрисида қайғурди. Ҳозир қўриқхонада йўқ бўлиб кетаётган пайтида сақлаб қолишга эришилган юзлаб турдаги ҳайвонлар, парранда, ўсимликлар бор. Қулон ва жайронлар, сайғоқлар қўриқхонанинг фахри бўлиб қолди. Олий меҳмонлар бу ерда табиатни муҳофаза этиш борасида қўриқхона илмий ходимлари бажараётган ишлар билан қизиқиб танишдилар.

Якшанба куни — 21 апрелда С. А. Ниёзов ва И. А. Каримовнинг иш куни Ашхобод районидаги «Социализм» жамоа хўжалигини бориб кўриш билан бошланди. Республикадаги бошқа хўжаликларда бўлгани сингари ҳозир бу ерда ҳам дала ишлари ниҳоятда қизғин. Мева, сабзавотчилик ва чорвачиликка иқтисослашган бу хўжалик йилига 18 миллион сўмдан кўпроқ даромад олмоқда.

— Йилқичилик асосий даромадимиз манбаи, — деди биз билан суҳбатда хўжалик правлениеси раиси Маликмуҳаммад Хумметов. — Бизда отларнинг дунёга машҳур ахалтекин зотлари етиштирилади. Ўтган йили шу соҳанинг ўзидан 9 миллион сўм даромад олдик. Боғбонларимиз Ўзбекистон олимларидан ғоят миннатдор. Сизларда етиштирилган узум ва мева кўчатлари Туркманистон обҳавосига тўла мослашиб олди, улардан мўл-кўл ширин шакар мева ҳосили оляпмиз. Тошкентлик цитрусшунос Зайниддин Фахриддинов яратган лимон ва апельсиннинг серҳосил навларини шу ерга мослаштириб, Ашхобод шаҳри аҳолисини йил бўйи меванинг ана шу тури билан етарли таъминлаш имкониятига эга бўлдик. Биз бундай ўзаро фойдали алоқаларни янада кенгайтириш тарафдоримиз.

Эрталабки ана шу ташрифдан сўнг Туркманистон ССР Президенти саройида Туркманистон ва Ўзбекистон давлат делегациялари ўртасида расмий музокаралар бўлди. Шундан сўнг Ўзбекистон ССР билан Туркманистон ССР ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома, иккала республиканинг ҳукуматлари ўртасида 1992—1995 йилларга мўлжалланган иқтисодий ва маданий ҳамкорлик ҳақидаги битимни имзолаш маросими бўлди. Бу ҳужжатларни Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов билан Туркманистон ССР Президенти С. А. Ниёзов имзоладилар.

Ҳужжатларни имзолаш маросимида Ўзбекистон ССР ва Туркманистон ССР Президентлари кенгашининг аъзолари, бир қатор министрлик ва идораларнинг, жамоат ташкилотлари, ижодий уюшмаларнинг раҳбарлари, Ўзбекистон ва Туркманистон оммавий ахборот воситаларининг вакиллари қатнашдилар. Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов ва Туркманистон ССР Президенти С. А. Ниёзов нутқ сўзладилар.

Куннинг иккинчи ярмида Туркманистон ССР Президенти саройининг катта мажлислар залида матбуот ходимлари учун матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Сўнг Туркманистон ССР ва Ўзбекистон ССР Президентлари С. А. Ниёзов ва И. А. Каримов Москвада жойлашган, Туркманистон ҳаёти билан танишиш мақсадида бу ерга келган чет давлатларнинг дипломатия ваколатхоналари раҳбарлари билан учрашдилар. Қизғин суҳбатлар ва савол-жавоблар бўлди. И. А. Каримов ва С. И Ниёзов уларга Ўзбекистон ва Туркманистон халқлари ҳаёти ҳақида, ҳар иккала республикада қайта қуриш қандай бораётгани, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида вужудга келган муаммолар қай тарзда ҳал этилаётгани ҳақида сўзлаб бердилар.

Туркманистонда Алишер Навоий кунлари тантанали очилиши олдидан икки қардош республика Президентлари И. А. Каримов билан С. А. Ниёзов туркман адабиётининг асосчиси Махтумқулининг Ашхобод шаҳри марказида ўрнатилган ҳайкали пойига гуллар қўйишди. Бу маросим ўзига хос рамзий маънога эга эди. Чунки, Алишер Навоий билан Махтумқули номлари икки қардош халққа баббаравар яқин ва азиздир. Ана шу рамзий маъно Навоий кунларининг тантанали очилиши маросимида яна ҳам бўртиброқ ва ёрқинроқ акс этди. Сўзга чиққан Туркманистон ССР Президенти С. А. Ниёзов ва Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов икки республика давлат делегацияларининг учрашувлари ҳамда муҳим ҳужжатлар — дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома билан ҳукуматлараро битимнинг имзоланиши ўзаро алоқаларга янги омил бағишлаганлигини алоҳида таъкидладилар. Ашхободда имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон ССР билан Туркманистон ССР ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик, иқтисодий ва маданий алоқаларни, яхши қўшничиликни мустаҳкамлашга залворли ҳисса қўшади, куч-ғайратларни мувофиқлаштириш вазифаларини ҳал этишга имконият яратади.

Туркманистон Ёзувчилар уюшмаси бошқаруви раиси, Туркманистон ССР халқ ёзувчиси Б. Худойназаров ва Ўзбекистон Фанлар академияси қўлёзмалар илмгоҳининг директори А. Қаюмов ҳозир бўлганларга Навоий ижоди ҳақида сўзлаб бердилар.

Тантанали кеча Ўзбекистон ва Туркманистон санъат усталарининг катта концерти билан ниҳоясига етди.

● «Совет Ўзбекистони» мухбири Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримовдан икки қардош республика раҳбарияти имзолаган шартнома ва битимларни шарҳлаб беришни илтимос қилди:

— Биз бугун имзолаган Ўзбекистон ССР билан Туркманистон ССР ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома, шунингдек, 1992—1995 йилларга мўлжалланган иқтисодий ва маданий ҳамкорлик ҳақидаги битим беш қўшни республикалар раҳбарларининг Олмаотада бўлган учрашуви вақтида дўстлик, яхши қўшничилик манфаатларини кўзлаб, иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик тўғрисида тузилган битимнинг узвий давоми бўлди, — деди Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов. — Бу шартнома ва битим жумҳуриятларнинг иқтисодий мустақилликка эришиш, ўзаро манфаатларини ҳисобга олиб, самарали иқтисодий стратегия ва тактикани рўёбга чиқаришга оид ишларни мувофиқлаштириш, республикалар кўп миллатли аҳолисининг ижтимоий тараққиётини жадаллаштириш мақсадида тузилди. Ушбу битим иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорликнинг асосий йўналишларини белгилаб беради. Томонлар асосий йўналишларнинг ҳар бири юзасидан ва программа тадбирларига мувофиқ вазирликлар, идоралар амалга оширадиган тадбирларни, ишларнинг келишиб олинган ҳажмларини ойдинлаштириб олиш йўли билан ўзаро шартномаларни ишлаб чиқадилар ва тасдиқлайдилар. Умумиқтисодий муаммолар ва молиявий кредит сиёсати, соғлиқни сақлаш, халқ таълими ва маданият, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ривожлантириш, илмий-техникавий ҳамкорлик, информатика ва ахборот таъминоти, умумиттифоқ бозорини ва республикалараро бозорни шакллантириш ва ривожлантириш, оқилона меҳнат тақсимоти, экология ва сейсмология, ягона экология ҳавфсизлиги системаси, темир йўл, автомобиль йўллари ва бошқа қатнов йўли шоҳобчаларини кенгайтириш, саноат ишлаб чиқариш структураларини такомиллаштириш ва ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш, энергетика, транспорт ва алоқа, телекоммуникация, моддий техника таъминоти, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат ва бошқа ҳаётий муҳим соҳалар бўйича томонлар ҳар бири юзасидан амал қиладиган ишлар ўзаро шартномада тўла қамраб олинади. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, икки республика ўртасида тузилган битим СССР Қонунларига ва унинг халқаро мажбуриятларига, битим қатнашчиларининг манфаатларига, ҳар бир томоннинг халқаро мажбуриятларига сира зид эмас.

**Ҳа, Ашхободдаги учрашувда имзоланган шартнома ва битим ҳар иккала республика халқларининг бутун кучи, билими ва ғайратини умумий фаровонлик йўлидаги бунёдкорлик меҳнатига, ўзаро бирлик ва жипсликни мустаҳкамлашга сафарбар этади. Ҳозирги мураккаб шароитда икки қардош халқнинг тобора мустаҳкамланиб бораётган дўстлиги, ҳамкорлиги, иқтисодий ва маданий алоқалари бундан кейин ҳам янада ривожланиб бораверади, деб айтишга тўла асос бор.**

**Р. ТУРСУНОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.**